



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
12-noyabr
chorshanba
№ 43 (1469)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ РЕАЛЛИК ВА АНИҚ НАТИЖАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи ва “С5+1” саммитдаги иштироки яқунлари хорижий экспертлар нигоҳида

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 4 – 6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди, АҚШ Президенти Дональд Трамп ва бошқа раҳбарлари билан икки томонлама музокаралар ўтказди. Марказий Осиё етакчиларининг “С5+1” форматидаги саммитида иштирок этди.

Олий даражадаги Ўзбекистон – АҚШ учрашувида етакчилар икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилганини таъкидладилар.

Хорижий экспертларга кўра, Вашингтонда ўтган саммит яқунлари Марказий Осиёнинг глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этишда ишончли, узоқ муддатли ҳамда масъулиятли шерик сифатидаги халқаро майдондаги роли ортиб бораётганини кўрсатди.

Антонио АЛОНСО, Сан Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи нафақат Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари, балки Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Унда Тошкентнинг ўзаро англашув, очиқлиқни мустаҳкамлаш, глобал ва минтақавий муаммоларга биргаликда ечим топишга қаратилган фаол ва изчил ташқи сиёсати акс этган.

Ҳикмет ЭРЕН, “ЕкоАвграса” Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси раҳбари (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифини кузатиб, Тошкент жаҳон сиёсатида ўз мавқеини не-



воқий битимларнинг катта тўпламини эълон қилди. Кейинги уч йил ичида харидлар ва инвестициялар шаклида қарийб 35 миллиард АҚШ доллари ва кейинги ўн йил ичида истиқболли лойиҳалар шаклида 100 миллиард АҚШ долларидан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Карим ҚОСИМ, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Малайзия):



— Аслини олганда, ташриф сезиларли натижалар берди. АҚШ Президенти Ўзбекистон билан савдо ва сармоя-

вий битимларнинг катта тўпламини эълон қилди. Кейинги уч йил ичида харидлар ва инвестициялар шаклида қарийб 35 миллиард АҚШ доллари ва кейинги ўн йил ичида истиқболли лойиҳалар шаклида 100 миллиард АҚШ долларидан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳарлей СЕЙЕДЕН, “The American Chamber of Commerce in South China” савдо палатаси президенти (Хитой):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатларни мустаҳкамлаш, икки томонлама ва минтақавий шериклиқни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасидаги изчил ва стратегик ёндашувини намоён этиди.

Андрей ХРИЕНКО, “Вектор” халқаро стратегик тадқиқотлар институти директори (Россия):



“С5+1” форматидаги турли учрашувлар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг АҚШ Президенти, Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси вакиллари, ҳукумат ва бизнес етакчилари билан тўғридан-тўғри мулоқотлари Марказий Осиё минтақасининг геостратегик салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ташаббуслар Ўзбекистонда ҳам иқтисодиёт соҳаси, ҳам давлат менежменти чуқур модернизация қилинаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг долзарблиги ва ўз вақтида амалга оширилиши амалий натижалар билан тасдиқланган ҳақиқатдир.

“Дунё” АА

ДАЪВАТ

Ўткир РАҲМАТ



ЭЗГУ ЙЎЛ БОШИДА...

Эркин ҳаволарга юзларин тутган, Бахту тахт насибдир сиз авлодларга. Эртасидан фақат ёруғлик кутган, Сўзим шу ойчеҳра, алпқоматларга: Гуллари ранго-ранг чаман сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Лол айлаб жаҳон тўрт тарафини ҳам, Ошадр элларнинг ҳурмати сизга. Келди юрт шаънини, шарафини ҳам Елкада кўтармоқ навбати сизга. Кўкка етар учкур саман сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Сеҳрли тонглардан муждалар олиб, Борарсиз тап тортмай нурли кун сари. Бирингиз олиму бирингиз толиб, Кундан-кун безалар умр дафтары. Юксалар ифтихор, чин шаън сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Эзгу йўл бошида қилманг андиша, Тушманг ҳеч разолат сояларига. Кулоқ эмас, юрак тутинг ҳамиша, Она Ўзбекистон ғояларига. Токи саодатлар экан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Кенгликлар нафаси сизга ёр бўлса, Бор бўлса тоғларнинг қудрати, шони. Умидвор нигоҳлар ишончдан тўлса, Топилар ҳар ненинг албат имкони. Орзулар сирлашгай дилдан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Қутлуг қадамларнинг нияти пойдор, Сизга ярашмайди бу йўлда толмоқ. Келинг, ҳайиқмасдан айланг ихтиёр, Аждодлар юкини баланд кўтармоқ. Кўзланган мақсадлар улкан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Илмга, билимга доим ташнасиш, Китоб-ла банд этиб мудом ёдларни. Дунёга овоза бўлиб яшайсиз, Қилиб ихтирою кашфиётларни. Тафаккур отлиғ зўр маъдан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Боқинг, ареналар сизга мунтазир, Сизни кутар интиқ музаффарлик ҳам. Олға юринг доим ҳозир нозир, Зафар байроғини кўтариб илдам. Ғурур улғаймоқда чиндан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Кўзларни яшнатса гулгун муҳаббат, Садоқат тўлдирса кўнгул хонасин. Сўнмаса қалбларда ёниқ ҳарорат, Қўлингизга тутиб ишонч номасин — Кетар сарбон ҳам бир йўлдан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Дунёда бетакрор, улғудир бу юрт, Ишқи уйғоқ этсин юрагингизни. Толенгиз у билан бўлар доим бут, Унутманг, унга кўп керагингизни. Унутманг, бу ойдin гулшан сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

Рухингиз кўтарсин илҳому мадад, Ўзлик машъаласи қалбга ўт солсин. Шу эл эъзоз топсин сиз сабаб фақат, Қолса сиздан фақат шу Ватан қолсин! Ахир йўлга тушар замон сиз билан, Миллатпарвар элу Ватан сиз билан!

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



БИР ГУРУХ ТАЖРИБАЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР – УЮШМА АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бошқаруви йиғилиши қарори билан бир гуруҳ фаол ва тажрибали журналистлар уюшма аъзолигига қабул қилинган эди. Уюшмада ана шу янги аъзоларнинг айримлари жам бўлди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Уюшма раҳбари Холмурод Салимов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида журналистика соҳаси ривожини йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, медиа соҳа вакиллари учун яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Сўнгра уюшма янги аъзоларига — “Маданият ва маърифат” телеканали катта муҳаррири Нозима Воҳидова, “O‘zbekiston24” радиоканали Ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими бош муҳаррири ўринбосари Зарбиби Чориева ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси масъул котиби Келдиёр Тўлиевга аъзолик гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилди.

— Бундан чорак аср муқаддам радиода муҳаррир сифатида фаолият бошлаганим, — деди Зарбиби Чориева. — Меҳнатларим эътироф этилиб, 2022 йили “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов совриндори бўлганим. Бугун уюшма аъзолари сафига қўшилганимдан жуда хурсандман.

КЎНГИЛЛАРГА ҚУРИЛГАН РИШТА

Бекобод туманида Сирдарё устидан кўприк бунёд этилди



“... Кўприк очилишини эшитиб келаётган ёшув-қарияларнинг кайфияти чоғ. Кўпни кўрган нуроний кишиларнинг ҳокимнинг ёнига келиб, Президентимизнинг ана шундай савобли ишларини олқишлаб дуо қилишаётганига гувоҳ бўлдик.



Таъкидлаш жоизки, умумий узунлиги икки юз метрга яқин ушбу кўприк қурилиши учун 18 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Олти километрлик йўл қурилиши ишларига эса 54 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган...”

3-6

КОРХОНА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАДДИНИ ТИКЛАДИ?

“Ta'minotchi Paxta” ОАЖ юртимиз кишлоқ хўжалиги ташкилотларига яқин кўмакчи, таянч бўлмоқда



6-6

2-3-6

САНОАТ

Улкан бунёдкорлик, қудратли техникалар кучи, моҳир курувчилар, муҳандис-мутахассислар ва ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнати ортидан 11 ойда қад ройлаган 4-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилганига ҳам 15 йил тўлибди.

Мазкур завод Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қувондик Санакулов бошчилигида қўллаб-қувватловчи инсонларнинг қўлини-қўлга бериб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан қўрсатган жасорати туялмай бунёд бўлган. Республикамиз тоғ-кон саноатида ўхшаши бўлмаган технологияга асосланган ва шунга мос тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий ишлаб чиқариш тармоғининг барпо этилишида 4 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчилар, курувчилар жонбозлик кўрсатишди.

Корхона ишга туширилгани билан юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин ўсиб бормоқда.

Зармитанда бунёд этилган 4-гидрометаллургия заводининг гоят қисқа муддатда қуриб битказилиши мамлакат металлургия саноати тарихида муҳим воқеа сифатида ёдда қолди.

Муҳим мажмуа қурилишида, айниқса, Зарафшон қўрилиш бошқармаси курувчилари ўзларининг юксак касбий маҳоратлари ва яратувчанликларини намойён этдилар.

Қурилиш ва монтаж жараёнларида турли бўлимларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги, юқори профессионаллик ва фидокорлик намуналари кўрсатилиб, янги ишлаб чиқариш объектининг барпо этилиши миллий саноат тараққиётида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Завод директори Нусратилло Ҳайитовнинг таъкидлашича, “Зармитан” саноат майдонидаги конлардан қазиб олинган маъданлар аввал қайта ишлаш учун 80 километр узоқликдаги “Маржонбулоқ” олтин ажратиш цехига ташилган. Бу қўшимча вақт ва меҳнат талаб қилар, катта сарф-харажатларни келтириб чиқарар эди. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида замонавий 4-гидрометаллургия заводини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Заводнинг ишга туширилиши Жанубий кон бошқармаси учун янги имкониятлар, маҳаллий аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим қадам бўлди. Ҳозирги кунда комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг қарийб 7 фоизи айнан мазкур завод ҳиссасига тўғри келади.

Айни пайтда завод ҳудуди ва унга туташ майдон тўлиқ ободонлаштирилиб, манзарали довдархатлар ва турфа гуллар билан безатилган. Бу яшиллик ҳар бир таширф бюрувчининг руҳини кўтариб, дилини шодлантиради. Бу, шак-шубҳасиз, маъмурий хўжалик бўлими ишчи-ходимларининг меҳнати ва масъулият туйғусининг аниқ ифодасидир.

Заводнинг лойиҳавий қуввати йилига 1,8 миллион тонна маъдани қайта ишлашга режалаштирилган эди. Жамоанинг фидокорона меҳнати,

юқори малакаси, ташаббускорлиги, шунингдек, қўллаб-қувватловчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш орқали амалга оширган ҳолда шакллантиради. Навоий кон-металлургия комбинати бу борадаги долзарб вазифаларга ўз вақтида эътибор қаратиб, бу соҳада муайян натижаларга эришмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 4-гидрометаллургия заводи фаолиятини келтириш мумкин. Албатта, ҳар бир ишлаб чиқариш тармоғида замонавий, тежамкор технологиялар муҳим роль ўйнайди. Бунга асосланган тармоқлар узоқ вақт бир маромда ишлайди, қўрилган натижани беради.

Ҳар бир ходим ва ишчи-хизматчи ишга масъулият билан ёндашиб, ҳаракат қилмоқда. Ягона мақсад йўлида жипслашган жамоа юқори натижаларга эришмоқда. Ўтган 2024 йилнинг тўққиз ойида заводда 1,532 миллион тонна маъ-

лаштириш, таннархни пайсатириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатини ошириш, энг муҳими — юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш орқали амалга оширган ҳолда шакллантиради. Навоий кон-металлургия комбинати бу борадаги долзарб вазифаларга ўз вақтида эътибор қаратиб, бу соҳада муайян натижаларга эришмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 4-гидрометаллургия заводи фаолиятини келтириш мумкин. Албатта, ҳар бир ишлаб чиқариш тармоғида замонавий, тежамкор технологиялар муҳим роль ўйнайди. Бунга асосланган тармоқлар узоқ вақт бир маромда ишлайди, қўрилган натижани беради.

Сўнгги йилларда заводда амалга оширилган рационализаторлик ишлари ва илғор таклифлар натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари янада самарали ва замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилди. Хусусан, майдалаш, гравитация ва оҳак эритмаси тайёрлаш участкасида 6-концентраторнинг, тайёр маҳсулотлар участкасининг бойитилган маҳсулотини жадал қиланаш тугунидаги 3-реакторнинг ишга туширилиши маъдани қайта ишлаш жараёнида туб ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгаришлар натижасида маъдандан олтинни катод чўкмаси қўрилишида ажратиб олиш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланиб, дастлабки йиллардаги 35 фоизлик кўрсаткич 43

ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун 25 нафар ишчи-хотим турли даражадаги “Кончилик шўхрати” кўрак нишонин билан тақдирланган.

— Саноат тармоқлари, айниқса, металлургия соҳаларида сув нафақат ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш, балки саломатлик ва экологик хавфсизлиқни сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гидрометаллургия заводларидан сув технологияларнинг бир қисми бўлиб, унинг сифат ва миқдори ишлаб чиқариш самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, — дейди завод директори Н.Ҳайитов. — Шу сабабли, сувдан тежамкорлик билан ва қайта ишлаш усуллари орқали фойдаланиш устувор вазифалардан бирига айланган. Бугунги кунда ишлаб чиқариш саноатида сув ресурсларини сақлаш ва самарали бошқаришга қаратилган инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Саноатда сувни қайта ишлаш, чиқинди сувларни тозалаш ва қайта ишлатиш, янги сув тежаш усуллари қўллаш каби чоралар асосий ўрин тутати. Заводимизда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, сув ресурсларини тежаш бўйича бир қатор муҳим амалий ишлар қилинмоқда. Яқин вақтларга заво-д эҳтиёжлари учун, асосан, Тўсинсой сув омборидан суткасига 7,5 минг кубометр сув олиб турар эдик. Сувдан самарали фойдаланишнинг янги асно-ули топилиди. Завод атрофидаги “Ғужумсой” кони шахта сувларидан суткасига ўртача 2 500 ва “Зармитан” кони шахта сувларидан суткасига ўртача 1000 кубометр сув уч босқичли тиндириш орқали 4-ГМЗ технологик жараёнлари эҳтиёжи ҳамда Зармитан саноат майдони боғларини сугориш учун олинмоқда. Шахталардан чиқадиган чиқинди сувдан оқилона фойдаланиш эвазига Тўсинсой сув омборидан суткалик олинмаган сув ҳажминин 4 минг кубометргача туширишга эришилди. Сувни тежаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 3,151328 миллиард сўм миқдоридан иқтисодий самарага эришилди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон қадрини, унинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад муҷассам. Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасини Заркент қўргонини мисолида яққол кўриш мумкин. Дарвоқе, замонавий шахталардан асло қолишмайдиган Заркент қўргонини барпо этилди. Саноатнинг кириб келиши натижасида ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу жойларга асфальт йўл, ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари олиб келинди. Қир-адирлар қўқаламзорлаштирилиб, замонавий боғу роғларга айлантирилди, дашт бағрига замонавий инфратузилма кириб келди. “Аквапарк” мажмуаси, замонавий спорт комплекси, “Кончи” маданият уйи, “Ёшлар” кафе-си каби ижтимоий иншоотлар қад ростлади. Қисқа муддат ичида бу ерда қончилар ва ёш мутахассислар учун барча қулайликларга эга замонавий ётоқхоналар, қўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Бугун қончилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча имкониятлар мавжуд. Ишлаб чиқариш ва қурилиш ишларининг ҳажми янада ортиб, ҳудуднинг иқтисодий салохиятини янада оширмоқда. Бу тарихий ўзгаришлар нафақат Заркент қиёфасини, балки маҳаллий аҳолининг дунёқараши, турмуш тарзи ва ҳаётга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгартирди. Шуҳасис, бу тараққиёт замирида қон саноати фидойиларининг тинимсиз меҳнати, тунни тонга улаб сидқидилдан қилаётган хизматлари муҷассам.

Қир-адирлар бўйлаб Заркент сари йўл олсангиз, қаршингизда жаннатноманд бир гўша намоён бўлади. Бу ердаги фаровон ҳаётни кўриб, ҳар қандай юртдошимизда фахр туйғуси уйғонади.

Ўтган қисқа муддат ичида завод улкан тараққиёт ва ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу ютуқлар, олға сурилган вазифалар ва матонат билан олиб борилган меҳнат қорхона тарихининг ёрқин саҳифаларига муҳрланди. Бугунги кунда завод жамоаси янада улкан марраларни забт этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Улар зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақият билан ўз вақтида бажариб, мамлакат тараққиётига ҳиссаларини қўшишда давом этмоқдалар.

Диллора ҚАРИМОВА,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
матбуот маркази муҳбири.

ФИДОЙИЛИК БИЛАН ЯРАТИЛГАН МЎЎЖИЗА

“Навоий кон металлургия комбинати” АЖ
4-гидрометаллургия заводи ишга туширилганига 15 йил тўлди



дан қайта ишланган бўлса, жорий йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 1,553 тоннани ёки 101,3 фоизни, тайёр маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101 фоизни ташкил этмоқда. Бу завод фаолиятида барқарор ўсиш ва самарадорликни яққол кўрсатмоқда.

Ҳар қандай замонавий саноат қорхонаси ўз стратегик мақсадларини харажатларни оптимал-

4-гидрометаллургия заводиди қўлланилаётган илғор ва юқори технологик жараёнларни бугун ёшлар ва мутахассислар муваффақият билан бошқариб келаётгани миллий кадрлар салоҳиятининг ортиб бораётгани ва уларнинг энг замонавий ишлаб чиқариш тизимларини ўзлаштиришга тайёр экани қувонарли ҳолдир. Заводда малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда қорхона қатор нуфузли таълим муассасалари, жумладан, Навоий давлат қончилик ва технологиялар университети ҳамда унинг тасарруфидаги техникум ва касб-хунар мактаблари, Тошкент давлат техника университети билан ўзаро самарали алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик жараёни талабаларнинг назарий билимларини амалий тажриба билан мустаҳкамлашга, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш муҳитига аста-секин мослаштириш ва касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда заводда 480 нафар раҳбар ва мутахассис ходимлар фаолият юритмоқда. Улардан 200 нафарга яқини — 35 ёшгача бўлган ёшлар, 62 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этади.

Кейинги йилларда заводга НДКТУ, ТДТУ ва бошқа олий таълим муассасаларидан 16 нафар ёш мутахассис ишга қабул қилинди.

Ўтган 15 йил тарих учун қисқа муддат бўлса-да, завод учун бу ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим босқичи бўлди. Шу даврда жамоа саъй-ҳаракатлари натижасида умумий ҳисобда 26,9 миллион тонна маъдан қайта ишланди.

фоизгача кўтарилди.

Ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш ва энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланиш мақсадида электр таъминоти тизимида “Захиран тизор автоматик улаш (БАВР)” қурилмаси жорий этилди. Ушбу инновацион ечим асосий технологик ускуналарнинг иш вақтини ўзайтириш, тегирмонлар тўхташининг олдини олиш ҳамда ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Завод жамоасининг ташаббускорлиги, мутахассисларнинг билим ва тажрибаси билан уйғунлашган бу каби техник янгиланишлар иқтисодий самарадорликни янада оширишда муҳим омилга айланмоқда.

Энергия самарадорлигини ошириш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш мақсадида умумий қуввати 1000 кВт бўлган қуёш электрстанцияси ишга туширилди. Мазкур имкониятдан самарали фойдаланиш натижасида ўтган даврда 2,035 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқилди, бу эса 2,035 миллиард сўм маблағни тежашга олиб келди.

Корхона эҳтиёжлари учун сув иситишга мўлжалланган 65 дон қуёш гелиоқурилмалари фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий қурилмалар орқали йил давомида жами 246,6 минг кВт соат электр энергиясини тежашга эришилмоқда. Заводда намунали меҳнати ва ишлаб чиқариш

ХОРАЗМДА ДИЛБАР БЕКЧАНОВА САЙЛАНДИ

1-6

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлимининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма бўлими бошқаруви аъзолари, ҳудудий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Бўлим бошқаруви аъзоси Ўткирбек Матқурбонов олиб борган йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан очилқинли, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳага оид қонунчилик такомиллашаётгани, журналистлар олдида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳолис-ҳаққоний ёритишдек масъулиятли вазифалар турганини алоҳида таъкидлади. Шу пайтгача бўлим раиси лавозимида ишлаб келган Ўткирбек Матқурбонов ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди.

Қўрсатилган номзодлар орасидан Бекчанова Дилбар Зариповна Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Хоразм вилоят бўлими раиси этиб сайланди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдулла Собиров, “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Соляжон Раҳимбергенова ва бошқа ижодкорлар номзодни қўллаб-қувватладилар.

Дилбар Бекчанова 1962 йил 20 декабрь куни Урганч шаҳрида туғилган. 1985 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини 1985 йили “Хоразм ҳақиқати” газетаси муҳбири сифатида бошлаган. Ўтган йиллар давомида “Туркистон”, “Оила ва жамият” газеталарининг Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири, Хоразм вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси) бошлиғи ва бошқа лавозимларда ишлаган.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокимлиги масъул ходими Мақсудбек Бекчанов қатнашди.

БУХОРОЛИКЛАР ГУЛШОДА ИБРОҲИМОВА НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Гулшода Иброҳимова Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлимига раис бўлди.

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма бўлими бошқаруви аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Уюшма ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича сўз юритди.

Шундан сўнг Уюшманинг Бухоро вилояти бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар бўйича бўлим бошқаруви аъзоси Шамшод Очиловнинг ҳисоботи эшитилди. Маълумот учун, Ш. Очилов яқинда ўз аризасига қўра, Уюшма бўлими раиси вазифасини вақтинча бажарувчи вазифасидан озод этилган эди.

Йиғилиш кун тартибига биноан Уюшма Бухоро вилояти бўлими раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди, Иброҳимова Гулшода Амриллоевна Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими раиси этиб сайланди.

Йиғилишда сўз олган “Бухоронома” газетаси бош муҳаррири Шодмон Сулаймонов, “Бухоро ёшлари” газетаси муҳаррири Лайло Ҳайитова, “Қорувулбозор тоғи” газетаси муҳаррири Баҳром Солиев, “Вухого viloyati xelatiadiokanal” давлат муассасаси директори Обид Шабанов номзодни қўллаб-қувватлади.

Маълумот учун, Гулшода Иброҳимова 1982 йил 27 декабрь куни Бухоро вилояти Ёғиҳудов туманида туғилган. 2003 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. 2018-2020 йиллари эса Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиаменеджмент йўналиши бўйича магистратура босқичида ўқиган. Илк иш фаолиятини Бухоро вилояти “Осиё” телеканалда муҳбир сифатида бошлаган. Кейинчалик Бухоро вилояти “Коинот” телеканали бош муҳаррири, “Ўғиҳудов ойнаи жаҳон” МЧЖ бош муҳаррири, Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлиги (ҳозирги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги) ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат маркази” интернет ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўлими журналисти, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ахборот хизмати мутахассиси, Бухоро шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари каби лавозимларда самарали фаолият олиб борган.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Олим Жўраев қатнашди.

“УЧҚУДУҚ” — ТУМАН КЎЗГУСИ

Бепойн Қизилқум бағрида қад ростлаган Учқудуқ тумани Навоий вилояти марказидан 300 километр олисда жойлашган. Бугун бу гўзал ва бетакрор туман барча соҳаларда одимлаб, ютуқларни салмоғи ортиб бормоқда. Албатта, бу ўзгариш ва улкан бунёдкорлик ишларини, янгиликларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари, хусусан, туман газеталарининг ўрни беқиёс.

Учқудуқ тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Учқудуқ” газетаси туман ҳаёти билан ҳамнафас бўлган ҳолда ўз мавқеи ва жамиятдаги ўрнини йўқотмай келаётган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади. Дастлаб ушбу газета 1989 йилдан “Достық — Дружба” номи билан қозоқ ва рус тилларида чоп этила бошлаган.

— 2004 йилдан “Учқудуқ” номи билан ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чоп этиб келинаётган ушбу газета ҳам ўз вақтида иқтисодий қийинчиликларга дуч келган эди, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Учқудуқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Райхон Қодирова. — Аҳлиқил, ҳамжихатлик асосида олиб борилган ишлар натижасида айни вақтда газета ҳар ўн кунда 4000 нуҳсадан мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, муштарийларга www.uchquduq-gazeta.uz сайти орқали электрон тарзда ҳам ҳавола этилмоқда.

Бугунги кунда ушбу тахририятда етти нафар техник ва ижодий ходимлар меҳнат қилиб келмоқда. Тахририят ижодий ходимлари фаол ва олдинга қараб интилувчанлиги боис, республика миқёсида ўтказилган “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Мустаҳкам оила — жамият таянчи” ҳамда “ОАВда эълон қилинган энг яхши материал” каби танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётгани эътирофга лойиқ.



ЮРТ ЯРАШИҚЛАРИ

КЎНГИЛЛАРГА ҚУРИЛГАН РИШТА

Бекобод туманида Сирдарё устидан кўприк бунёд этилди

“Инсон қўли билан яратиладиган энг савобли иш бу кўприк қуришдир”. Бу ҳикматона гапни суҳбатларнинг бирида таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад айтган эди.

Бекободда янги маҳобатли кўприкнинг очилишини эшитдим-у, беихтиёр устоз ёзувчининг юқоридаги гаплари хаёлимга келди.

Тошкентдан Бекободгача юз километрдан узоқроқ йўл босилади. Лекин ана шу узоқ масофа ҳам зериктирмайди. Негаки, бугунги ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликларни йўл бўйи кўриб ҳайратланасиз. Шунча ишлар амалга оширилаётганига, кўзингиз кўриб турса-да, ишонгингиз келмайди.



Дарҳақиқат, жонажон Ўзбекистонимиз улкан қурилишлар мамлакатига айланган.

Кўприклар ҳақида ўйлаб борар эканман, Қора денгизни Ўрта Ер денгизи билан боғлаб турувчи Истанбулдаги Босфор бўғозининг ноёб манзиллари, маҳобатли кўприклари ҳам кўз ўнгимда намоён бўлгандек эди. Яна машҳур “Суюнчи” фильмидаги ҳашар йўли билан Анзират хола қурган кўприк хаёлимдан ўтди. Қирғизистоннинг Аравонидаги Нуробод қишлоғимизни Андижоннинг Булоқ-бошидаги Ширмонбулоқ қишлоғи билан боғлаб турувчи Аравонсойдан ўтган, бундан эллик йил аввал сел олиб, ҳалиям тикланмаган кўприк ҳам ёдимга тушиб кетди. Ҳа, кўприк одамзодга жудаям қадри билинадиган обидадир.

Пешинга яқин Бекобод туманининг “Дўстлик” маҳалласига етиб бордик. Туман ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Акрам Мамадалиев билан

ўша манзилда учрашдик. У “Дўстлик” ва “Янгиовул” маҳаллалари ҳудудларини боғловчи Сирдарё дарёси устидан қуриб битказилган кўприк ва унга олиб борувчи йўллар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Маҳаллаларни боғлаб турувчи бу кўприк қурилиши аслида собиқ иттифоқ замонида, аниқроғи, 1989 йил охирида бошланиб, 1991 йилга бориб тўхтаб қолган экан. Бекободнинг “Дўстлик”, “Янгиовул” ҳамда “Улуғбек” маҳаллаларини боғловчи олти километр узунликдаги автомобиль йўли қуриш ишлари эса 1985 йилда бошланган бўлса-да, турли сабабларга кўра у ҳам ташлаб қўйилган эди. Қарийб 36 йил мобайнида “Янгиовул” маҳалласи аҳолиси туман марказига Бекобод шаҳри орқали қирқ тўрт километр ортқича масофа босиб қатнаган. Айниқса, зудлик билан тиббий ёрдам зарур бўлган бемор ки-

қатда шаҳар қиёфасига кирган гўзал гўшага айланибди, десак, асло муболага бўлмайди!

Акрам Мамадалиев кўприк ва йўлларнинг қурилиш бошлангунгача бўлган вақтдаги ҳароб ҳолати акс этган суратларни кўрсатди. Ўзгаришларга қараб туриб, инсон қўли гул эканига ишонч ҳосил қиласан киши.

Янги қурилган кўприк яқинида Бекобод тумани ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов билан учрашдик. “Тумандаги ободлик ва фаровонлик йўлидаги кескин ўзгаришларни одамлар сизнинг ҳоким бўлиб келишингиз билан боғлашмоқда”, деб уни қутладик.

— Бекобод туманидаги жамики ижобий ўзгаришлар муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ғамхўрликлари туфайли амалга ошмоқда, — деди туман раҳбари З.Низомиддинов. — Бугун фойдаланишга топширилаётган кўприк ва унга туташ йўллар қурилиши ҳам шахсан Президентимиз ташаббуси билан рўёбга чиққанини юртдошларимиз яхши билишади.

Албатта, туман ҳокими ҳақ. Бўлмаса, шунча йилдан буён эътиборсиз, бошланган-у шундоқ ташланган бундай бунёдкорликлар Президент ёрдамида амалга оширилмаса, қандай қилиб рўёбга чиқиши мумкин? Ахир бундай катта харажат, стратегик аҳамиятга эга бўлган қурилишларни амалга ошириш осон эмаслиги кундай равшандир.

Кўприк очилишини эшитиб келаётган ёшу қарияларнинг кайфияти чоғ. Кўпни кўрган нуроний кишиларнинг ҳокимнинг ёнига келиб, Президентимизнинг ана шундай савобли ишларини олқишлаб дуо қилишаётганига гувоҳ бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, умумий узунлиги икки юз метрга яқин ушбу кўприк қурилиши учун 18 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Олти километрлик йўл қурилиши ишларига эса 54 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Ишхонаси номи ёзилган кепкадаги баланд бўйли, овозидан раҳбарлик нафаси сезилиб турган киши “йўлнинг ўртасига янги чизилган йўл белгисини босмай юринлар” деб кимларгадир жон қуйдириб танбеҳ бермоқда. Матбуот котибининг таништиришича, у қурилиш ишларини амалга оширган пудратчи ташкилот ҳисобланган “Ўзйўлкўприк” кластери давлат муассасаси раҳбари Фахриддин Салоев экан.

— Қурилиш ишларига уч юзга яқин мутахассислар, саксонга яқин техника воситалари жалб этилди, — деди у. — Алоҳида жонбозлик кўрсатган йўл устаси Рустам Қурбонқулов, иш бошқарувчи Музаффар Тўлмевлар номи алоҳида эътироф этилса, ўринли бўлар эди.

Ҳа, муболағасиз, шундай хайрли ишларни амалга оширганларни нафақат биз журналистлар, бутун Бекобод халқи олқишлашмоқда.

Кўприк очилиш маросимига байрамона либосларда оқиб келаётганларнинг ҳисоби кўринмайди. Қувончлари ичига сиғмай, у ёқдан бу ёққа чопиб юрган болаларга қараб, севин-



чинг юз чандон ошади, болаликка қайтгинг келиб қолади.

Соат иккига яқинлашиб қолганида вилоят ҳокими ҳамроҳлигида фаоллар, нуронийлар ва бошқа меҳмонлар янги бунёд этилган “Дўстлик” маҳалла маркази биноси ёнига йиғилдилар. Қадим-қадимдан ота-боболаримиздан қолган удум бор. Тўй-тантаналар, хайрли ишлар бошланиши, катта-катта иншоотлар очилиши олдидан Аллоҳ йўлида жонлиқ атаб қурбонлик қилиш одати мавжуд. Шу куни бекободликлар ҳам ана шу савобли удумини амалга оширишди. Оқсоқол уламо Қуръон оятларидан тиловат қилди. Йиғилганлар юртимиз тинчлиги барқарор бўлиши учун, Янги Ўзбекистоннинг янги кўприкларини қуришдек савобли амалларда бошқош бўлиб турган Президентимиз ҳаққига дуо қилдилар.

Замонавий шарт-шароитлар яратилган “Дўстлик” маҳалла маркази карнай-сурнайлар, доира-дўмбиралар садоси остида очилди. Бино ичкарасидаги шароитлар билан танишгач, меҳмонлар яшил макон яратиш учун келтириб қўйилган дарахт кўчатларини ўтқазишди, яхши ниятлар қилишди.

Тошкент вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зоир Мирзаев кўприкни очиб олдидан сўзга чиқиб, барча йиғилганларни табриклади.

— Янги Ўзбекистонда ҳар куни байрам, — деди у. — Ҳурматли Президентимиз ўз назоратига олгани шарофати билан бу кўприк қурилиши жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. Кўчаларни қаранг, қайси шаҳардан кам? Бу йўллар, бу кўприк барчангизга муборак бўлсин! Қурувчиларга минг раҳмат!

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жағфармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Абдусамад Носиров, Сирдарё устида қурилган кўприкнинг нариги қирғоғида яшовчи Сарибек Янгибоевлар ҳам бундай кўприклар, йўллар қурилиши инсон қад-

рини улуғлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун яратилганини таъкидладилар. Тантанга йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бекободлик таниқли шоир Ашурали Боймурод шу қувончли санага бағишлаб ёзган қуйидаги шеърини ўқиди:

*Сирнинг қоқ устига қўйилган кўприк,
Кўнгилга қурилган улкан риштадир.
Бу чиндан жасорат, эмасдир ўтрик,
Балки, бу мўъжиза, балки тушдадир.*

*Боболар азалдан кўприклар қурган,
Яратмоқ тиклаган элнинг қаддини.
Ҳатто жиловланган, дарёни бурган,
Шодликка улаган халқнинг дардини.*

*Фарҳоди Ширинлар учрашар қайта,
Замон яқинлатди олис манзилни.
Мен эса, азизим, шеър айта-айта
Кашф этдим ўзимга оташин дилни.*

*Асло тиним билмас Юртнинг Сарвари,
Ўз халқин дуосин олиб ишлайди.
Ҳар ерда керакдир кўнгиш зарғари,
Юртни ўйлаганлар ғолиб бўлади!*

*Муҳаббат манзилин этгаймиз бунёд,
Шамол эсаверар Ширинга қараб.
Фарҳодлар юртида кўнгиш бўлди шод,
Бахтлиман, турибман қоринга яраб...*

Кўприк ва йўллар очилиши худди байрам каби тантанали кечди. Минглаб одамларнинг қувончи ичига сиғмай кетди.

Ўзбекистон рамзи бўлган байроғимиз Бекобод шамолида шундай жозибали хилпираб турибдики, унинг завқини ҳис қилиш нақадар фаррахбахш эди...

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

— “Учқудуқ” газетаси тахририяти жамоасининг кейинги йиллардаги ютуқ ва натижаларини кўриб, танишиб, таҳлил этиб мамнун бўлдик, — деди Уюшма вилоят бўлими раиси О.Аслонов. — Турли қизиқарли мавзуларни қамраб олган газета бугунда нафақат ахборот тарқатиш, балки маънавий-маърифий, тарбиявий жиҳатдан ҳам ўз ўрни, ўз нуфузига эга нашр сифатида фаолият олиб бораётгани тахририятда ижодий муҳитнинг яхши йўлга қўйилганлигидандир.

КИТОБЛАРДА ЖО БЎЛГАН ИЖОД

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими, Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари тахририяти ҳамкорлигида “Зарафшон” газетаси кутубхонаси туркумидан нашр этилган китоблар тақдироти ўтказилди.

Тақдирот тадбирини Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Акрам Ҳайдаров олиб борди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи ва шоир Фармон Тошевнинг “Савр баёзи”, “Зарафшон” газетасининг махсус муҳбири Гулруҳ Мўминованинг “Минбардан тушган истилохлар” ҳамда “Зарафшон” газетаси кутубхонаси туркумидан нашр этилган “Самарқанд археологлари” китоблари ҳақида сўз юритди.

— Ҳар қандай ижодкорнинг сермахсул ижоди у яратган асарларда кўринади, — дейди Самарқанд шаҳар “Нуронийлар” кенгаши раиси, журналист ва шоир Хуришд Нуруллаев. — Кўп қиррали ёзувчи ва шоир Фармон Тошевнинг “Савр баёзи” китоби ҳам инсонларга маънавий озуқа бериш баробарида уларга савол ва унинг жавобини ҳам беради, ўйлашга ундайди.

Журналист Гулруҳ Мўминованинг “Минбардан тушган истилохлар” номли китобидаги суҳбатлар ва публицистик мақолалари эса ўқувчини фикрлашга, ўз йўлини топишга, ўзligини англашга, ютуқларни баҳам кўриш баробарида камчиликлардан хулоса чиқаришга ундайди.

“Самарқанд археологлари” рисоласида Самарқанд ҳудудига қазилма ишларини олиб борган ва тарихни яратган археолог олимлар ҳаёти ва фаолияти ҳа-



қида сўз борган. Ушбу рисола тарихчилар, археологлар, этнологлар, илмий изланувчилар ва тарихимиз билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Тадбир сўнигида иштирокчилар ҳамда кутубхонага муаллифларнинг китоблари совға қилинди.

“МАҲОРАТ МАКТАБИ”НИНГ НАВБАТДАГИ ТАШҲИҲУЛОТИ

Андижон шаҳридаги “Маърифат” уйида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими қoшида ташкил этилган “Маҳорат мактаби” тўғрагининг навбатдаги дарс машғулотлари бўлиб ўтди.

Машғулотларни тўғарак раҳбари, тажрибали журналист А.Қурбонов олиб борди. Бу галги дарс “Стендапнинг турлари” мавзусида бўлиб ўтди.

— Мавзудан қўзланган мақсад, тўғарак иштирокчиларининг нутқ маданияти, ижодий фикрлаш салоҳияти ҳамда замонавий ахборот муҳитини теран англаш қобилиятини ривожлантиришдир, — дейди А.Қурбонов.

Дарс жараёнида иштирокчилар стендапнинг мазмун-моҳияти, танқидий ва ижтимоий йўналишлардаги аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар. Шу билан бирга, ҳар бир тингловчи ўзининг ижодий фикрини ёритиш ва аудитория билан мулоқот қилишдаги усулларини сынаб кўриш имкониятига эга бўлди.

— Бугунги машғулот мен учун жуда қизиқарли ва фойдали бўлди, — деди тўғарак тингловчиси Хуришда Абдулпаттаева. — Стендапни журналистикада муҳим ифодавий восита сифатида қўллаш мумкинлигини бугунги дарс давомида тушундим. Келгусида мен видеороликлар тайёрлашда дарсда ўрганган билимларимга таянаман.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ЯНГИЛИК

УРУҒНИ ЭЛЕКТР МАЙДОНДА САРАЛАНГ!

Деҳқон ва фермер хўжаликлари учун юқори сифатли уруғлик тайёрлаб бериш лойиҳаси ишга туширилди. Бугунги кунда аксарият деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар уруғларининг сифат кўрсаткичларини оширган ҳолда қайта экиш йўлга қўйилмаган.

Лойиҳада қишлоқ хўжалиги экинлари уруғидан юқори ҳосил олишда, бошқа агротехник тадбирлар билан бир қаторда, экишга тайёрланадиган уруғларнинг сифат кўрсаткичларини оширадиган электр саралагич қурилмасида саралаш ва зараркунандаларга қарши дорилаш муҳим ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини электр майдонда саралаш бошқа усуллар, яъни механик ва аэродинамик усулларга нисбатан афзалликларга эга. Бу усул ёрдамида сараланганда уруғларнинг барча муҳим физик-механик хоссалари, яъни геометрик ўлчамлари, массаси, зичлиги, электр қаршилиги ва диэлектрик сингдирувчанлиги, аэродинамик хоссалари ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятлар ҳисобга олинади. Натижада уруғлик фракцияга сифатли, биологик

кўрсаткичлари бир-бирига яқин, лаборатория ва дала шароитидаги унвчанлиги ҳамда потенциал ҳосилдорлиги юқори бўлган сара уруғлар ажралади.

Электр майдонининг уруғларга ижобий таъсир қўради, уларнинг тезроқ ва бир вақтда униб чиқиши ҳамда шунинг натижасида ниҳолларнинг яхши ривожланиши, ҳосилнинг тезроқ пишиб етилишини таъминлаши ҳам бу усулнинг қўшимча самараси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Электр саралагич қурилмаси интеллектуал мулк агентлигидан “ИАП-2020-0324” патент билан ҳимояланган. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун импорт ўринини босадиган, арзон ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган сара уруғликлар тайёрлаб берилади. Натижада уруғлик сарфи камаяди, ниҳоллар тез ўсиб-ривожланиб, ҳосил эрта пишиб етилади ва ҳосилдорлик кўпайишига эришилади.

Мазкур лойиҳа Фарғона вилоятининг Данғара туманида амалга оширилмоқда.

Иномжон УСМОНОВ,
лойиҳа раҳбари.

ЭХТИРОМ

СОҲИР ТУЙҒУ ЭГАСИ

Ўтган асрнинг саксонинчи-тўқсонинчи йиллари орасида “Ўзбекистон” радиосининг “Сўнгги ахборот” (ҳозирги “Ахборот”) бош тахририяти эшиттиришлари тингловчилар эътиборини қозongan эди. Чунки бу тахририят ўша йиллари “ҳам энига, ҳам бўйига” ўсган, тахририят муҳаррирлари бўлиб ишлашар, янгиликларни асарларидек ғизиллаб излашар, янги-янги рукнлар топишарди-да, эфирга узатишарди. Шунингдек, тахририятта “Машъал”, ҳозирги “Маҳалла” радиостанцияси, спорт, муҳбирлар бўлимлари қўшилди. Шу орада радио тарихида илк бора “Халқаро ҳаёт” бўлими ҳам ташкил этилиб, ахборотчилар зиммасига юклатилди. Тахририят қошида ташкил этилган бу бўлим ҳамда “Оқшом тўлқинларида” ахборот-муסיқали эшиттиришлар дастури тез орада машхур бўлиб кетди.



Эсимда, 1988 йилнинг 5 апрели эди. Ўзбекистон Телевидение ва радио эшиттириши Давлат комитети (ҳозирги ЎзМТРК)нинг раиси Наим ака Ғоибов телефон қилиб қолди. Салом-алиқанд сўнг: “Бир маслаҳат чиқиб қолди. Куннинг иккинчи ярида радиода бўламан, учрашсак”, деди. Мен “Хўп бўлади”, дея ўз ишим билан машғул бўлиб кетдим. Ваъдалашганимиздек, раис билан радио ўйидаги хонасида учрашдим.

— Абдусамаджон (Наим ака ҳурмат ила доимо исмига “жон” қўшиб мурожаат қиларди. Охиратлари обод бўлсин), Собир Шералиевични танисангиз керак?

— Собир ака Курбановними, албатта, танийман.
— У киши матбуот комитети раислигидан бўшатилаганидан ҳам хабардорсиз, албатта. Тахририятингиздаги “Халқаро ҳаёт” бўлимида ўрин бўлса, вақтинча ишга олсак, нима дейсиз?

Собир Шералиевичнинг ишдан бўшагани, бизда ишлаш истаги борлигига ишониб-ишонмай ўйланиб қолдим. Сўнг: “Ҳазил қиласизми, Наим ака?” дедим.

— Рост гап. Ўзини бор-йўқлиғини суриштиринг. Собир Шералиевичнинг радиода ишлаш истаги борлиги учун сизга айтялман.

— Бўлимда катта муҳаррирлик ўрни бўш турибди. Буни сиёсий шарҳловчиликка алмаштирилса, акага муносиброқ бўлса керак, — дея ишончсизроқ жавоб қилдим.

— Ишонганим учун бу таклифни сизга айтган эдим. Ҳозир режа бошқармасининг бошлиғи билан маслаҳатлашайлик-чи, у киши нима деркин? — дея кўнгирок қила бошлади.

— Ассалому алайкум, Ғаффор Қаҳорович, биз радиода “Сўнгги ахборот”нинг бошлиғи билан биргачи. Бу кишининг тахририятида катта муҳаррирлик ўрни бўш экан. Шу ўринни сиёсий шарҳловчиликка ўзгариштирингиз иложи борми?

Телефонда илиқроқ жавоб бўлди, шекилли: “Сизга Абдусамад Аъзамович учрашадилар”, дея телефон гўшагини қўйди-да:

— Бу ёғини ўзингиз пиширасиз энди, — деди.
— Албатта. Бунинг учун номингизга тақдимнома ёзмаан, тасдиқлаб берсангиз бўлгани, — дедим.
— Бу ишни қичиктирмай ҳал қилишга киришинг. Мана бу Собир Шералиевичнинг ҳужжатлари. Ўзингиз ҳам танишиб чиқинг.

Мен бўлажак ҳодимимизнинг таржimai ҳоли билан қизиқиб танишдим. Унинг Бухоро шаҳрида туғилгани, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг тарих факультетини битиргани, шу олий ўқув юртининг аспиранти бўлгани ҳамда номзодлик диссертациясини ёқлагани, сўнг Бухоро давлат педагогика институти ва Тошкент политехника институтида ўқитувчилик қилганлиги шахсий варақада қайд этилганди.

Кўп йиллар давлат идораларида ишлаган, фан номзоди ва доцент илмий даражасига эга бўлиб, олий таълим ўчоқларида фаолият юритган кишининг ёнимизда бўлиши, албатта, фахрли эди. Шундан бўлса керак, устознинг ишга жойлашиши ҳамирдан қил суғургандай осонликча ҳал бўлди.

“Оққан дарё оқаверади”, деганларидек, Собир аканинг сиёсий шарҳловчилик фаолияти ҳам рисоладагидек жадал бошланиб кетди. Шарҳловчининг қаламига мансуб материаллари тахририятнинг “Халқаро кундалик”, “Оқшом тўлқинларида” информация-муסיқали дастурларида кунора эфирга чиқиб турди. Унинг шарҳлари оддий тингловчиларга ҳам тушунарли, қисқа, пўнда, асосли, пухта ёзилиши, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳолисона баҳо берилиши, Ғарб ва океан орти давлатларининг очқўзлиғи-ю уршиққўчликлари, инсоният тинчлигига ҳавф солувичи нотўғри сиёсатлари куюнчаклик билан баён этилиши фақат тингловчиларни эмас, ҳатто бизни ҳам мамнун этарди. Тарихан бир бутун бўлиб келган Германия, Корея ва бошқа давлатлар замоннинг зайли билан иккига бўлиниб кетганлиги, аҳолисининг эса бир-бирига душман қилиб қўйилиши, Ер қуррасининг баъзи жойларда беҳуда қон тўкилаётганлиги ва унинг айбдорлари шарҳловчининг назаридан четда қолмас эди.

Собир аканинг материалларини атайлаб бирор янгиллик олиш мақсадида қизикиб билан ўқирдим, билмаган нарсаларимни ўрганишга ҳаракат қилар эдим. Унинг бир шарҳи матнини ўқиб туриб, ҳеч қаерда кўрмаган ва билмаган нарсасга дуч келганман. Аввал унга ишонмаганман, сўнг муаллифнинг ўзидан тасдиғини олган эдим. У ҳам бўлса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўғрисида ёзган шарҳидаги бир мисол юзасидан билдирган фикри эди. Қаранг, бу нуфузли халқаро ташкилот биноси пештоқига Шарқнинг улуг доғишманди Саъдий Шерозийнинг:

*Бир-бирин мучаси бор барча киши,
Битта гавахардандир яратилиши...* — деб бошланувчи битиклари ҳам кўп тиллар қаторида ёзиб қўйилганлиги кўтаринки руҳ ва гурур билан баён қилинганини билдим.

Шарҳловчи бу билан одамзод бир ота-онадан, яъни Одам ато-ю Момо ҳаводан яралганлигига ишора қилиб, айрим мамлакатларда одамларни камситишлар, бир-бирига гижгичлашлар бўлаётгани, одамзоднинг бирор аъзоси касалликка чалинса, бошқа аъзолар ҳам азият чекканидек, Ер юзининг бирор нуқтасида уруш-жанжал бўлиб турса, атрофдагиларнинг қалбига ҳам қоронғилик кириши муқаррарлигини файласуфона тушунтириб беришга ҳаракат қилган.

Ўша кезлари телерадио тизимида сиёсий шарҳловчилар гуруҳи ташкил этилди. Собир ака ана шу гуруҳда янада баракали ишлади. Гуруҳ аъзолари ма-

ҳаллаларда, ўқув юртлари, ҳатто вилоятларда бўлиб, йилгиланлар билан дунё, республикамизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар хусусида мароқли суҳбатлар уюштиришар, уларни қизиқтирган саволларига жавоб беришарди.

Устоз қаерда ишламасин, кўнгил қўйган Ўзбекистон радиоси ва матбуотида ўзининг мазмунли шарҳлари билан фаол иштирок этиб турди. Унинг “Умум Европа кенгаши: тарихи, яқунлари, аҳамияти”, “Устоз-тарғиботчилар (Хоразм вилояти тарғиботчилари тажрибасидан)”, “Янгича тафаккур ва ҳозирги дунё (халқаро шарҳловчилар мулоқоти)”, “Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ташкил топиши ва фаолиятидан...)”, “Жонқуяр бунёдкорлар партияси” номли қатор тўплам ва рисоалари ҳам шарҳловчилик фаолиятининг меvasидир.

Собир Қурбанов билан бор-йўғи икки йилга яқин ёнма-ён ишлаган бўлсам ҳам унинг кучли ирода ва ориятга эгаллиги, билимдон ва зуққолиги, мамлакатимиз шарҳловчиларининг олдинги сафида туриши ҳамда ажойиб воиз эканлигига ғувоҳ бўлганман. Меҳнат фаолияти давомида ўзини яққол намоён этган, бирор мақомга эга бўлиш учун имкониятлар ярата олган мукаммал шахсдир. Назаримда, пойтахт, яъни мегаполис кишиси амал поғонасидан кўтарилиш учун ўз вақти ва кучини аямаслиги лозим экан. Собир ака мисолида бунга амин бўлганман.

У кучли сиёсий шарҳловчи, бийрон воиз бўлиши билан бирга, атрофдаги касбдошларига меҳрибон, тўғри йўл кўрсатувчи устоз саналади. Ўзаро гурунлашиб ўтирган вақтларда менга йўл-йўриқлар кўрсатиб:

— Ҳаётдаги тажрибамдан келиб чиқиб, сиздаги “ижобий” камчиликларингиз борлигини айтиб қўйя. Атрофингизда ҳар бир қадамнингизни ўлчаб юрадингиз азамат “дўстларингиз” борлигига эҳтиёт бўлинг. Ўшаларга ҳам қўлдан келганича яхшилиқ қиласиз. “Отангни ўлдирганга онангни бер” қабилади иш қиласиз. Бағри кенгликнинг ҳам чегараси бўлади, укажон, — дерди.

— Бундай қилиш сут билан кирган бўлса керак-да. “Яхшига қилсанг яхшилиқ, ҳам айтади, ҳам қайтади”, деган гап ҳам бор. Сиз айтган ғанимларнинг ғайриликларини сезиб-қўриб юраман.

— Яхши. Лекин ҳар доим хушёр бўлинг. Яна бир нарсани айтиб қўйя: қалам ҳақи ёзишда ҳам эътиборли бўлинг. Мен ҳам баъзида шошма-шошарлик қилиб, панд еган қўнларим бўлганлиги учун сизга эслатиб қўйдим.

— Панд-насиҳатларингиз учун ташаккур сизга, — дея миннатдорчилик билдирдиман у кишига.

Тўқсондан охиб, юз ёшга қадам қўйган соҳир, яъни сеҳрли туйғу эгаси бўлган устознинг феъл-атвори, ўта камтарлиги, сермулоҳазалиги, кам гапириб, кўп иш қилиши мен сингари дўстлари ва шоғирдлари учун мактаб ўрнини ўтаётгани шубҳасиз. Унинг сийратини ҳам, суратини ҳам таниш-билишлари тилларидан бол топиб сўзлашади.

Таниқли воиз, моҳир сиёсатчи ва шарҳловчининг жаҳонгашталиги ҳам мактовга лойиқ, У Германия, собиқ Югославия, Франция, Польша, собиқ Чехославачия, Сурия сингари қўллаб ҳоржий мамлакатларда бўлиб, бу мамлакатларнинг ташкил топишидан тортиб то ҳозирги кундаги тутган ўрни, уларнинг аҳолиси, табиати, иқтисодиёти, сиёсий йўл тутишларигача қизиқарли мақоалар ёзган ва унинг ёзганлари тўпламларда чоп этилган.

Абдусамад ИСОҚОВ

ХОРИЖ

РАҚАМЛАШТИРИШДАН ҚОЧИШ КЕРАК?!

Беларусь президенти ўз амалдорларига симли телефонлардан фойдаланишни таъсия қилди. Лукашенконинг сўзларига кўра, унинг позицияси консерватизм билан эмас, хавфсизлик билан боғлиқ.



Президент “ҳамма нарсани рақамлаштириш шарт эмас”лиги ва илҳожи бўлса, “ундан қочиш маъкул” эканини таъкидлади.

Беларусь президенти Александр Лукашенко ўзида мобиль телефон йўқлигини, аммо шунга қарамай, барча ишларини бажара олаётганини таъкидлади.

У агар Кочанова билан гаплашиши керак бўлса, симли телефон борлигини айтиди. Президент бош вазир Александр Турчинга мурожаат қилиб, мамлакатда мавжуд бўлган телефон тармоғини сақлаб қолишни топширди.

САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

АҚШнинг Флорида штатида Ямайкага гуманитар ёрдам олиб кетаётган кичик самолёт қулаб тушди. Бу ҳақда “Associated Press” наشري хабар берди.



Қайд этилишича, шу йилнинг 10 ноябрь куни Форт-Лодердейл шаҳри яқинидаги “Coral Springs” турар-жой ҳудудида жойлашган ҳовузга Ямайкага бўрон оқибатларини юмшатиш учун гуманитар ёрдам олиб кетаётган кичик турбовинтли самолёт қулаган. Ҳалокат оқибатида икки киши вафот этган. Самолёт уйлар орасидан ўтиб, уларга шикаст етказмаган.

“Coral Springs” полицияси ҳалок бўлганлар борлигини тасдиқлаган, аммо самолёт ичигади шахслар ҳақида батафсил маълумот бермаган. Фавқулодда хизматлар қаҳриқ келиб тушган заҳоти воқеа жойига етиб борган. Дастлаб қутқарув ишлари олиб борилган, аммо қурбонлар топилмаганидан кейин операция “жасадларни қидириш” босқичига ўтган.

ЯНГИ УРУШ ЭҲТИМОЛИ КУЧАЙМОҚДА

Агар Техронга ҳужум содир бўлса, Эрон бир вақтда 2 мингта ракета учуриш билан жавоб беришини маълум қилди.



“The New York Times”нинг ёзишича, Эрон ва Исроил ўртасида яна ҳарбий можаро эҳтимоли кескин ортиб бормоқда. Нашрнинг таъкидлашича, Эронга нисбатан қатъий санкцияларнинг қайта жорий этилиши ва Техроннинг ядро дастури бўйича музокараларнинг тўхтаб қолиши минтақада вазиятни янада кескинлаштирган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозирги нотинч вазият минтақада хавфли тарангликни юзага келтирмоқда. Исроил узоқ йиллардан буюн Эроннинг ядро дастурини “ўз миллий хавфсизлиги учун хавф деб ҳисоблаб келади. Форс кўрфазидagi айрим давлатлар эса вазият Исроил томонидан Эрон ҳудудига янги ҳарбий зарба берилишига деярли асос яратганини таъкидламоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЯДРОВИЙ СУВ ОСТИ КЕМАСИ БОРМИ?

Жанубий Корея ўзининг биринчи ядровий сув ости кемасини ишлаб чиқариши учун тахминан 10 йил керак, дея хабар қилди “Рёнхал” ахборот агентлиғи мамлакат денгиз флоти штаби бошлиғи, адмирал Канг Донг Гилга таяниб.



Таъкидланишича, мулозим мазкур баёотни пайшанба куни парламент сессиясида айтган. Унинг сўзларига кўра, “Досан Ан Чханхо” тоифали бу қурилма лойиҳаси доирасида ядровий сув ости кемаси яратиш бўйича ҳали қарор қабул қилинмаган.

Адмирал келажақ сув ости кемасининг сифими 5000 тонна ёки янада кўпроқ, бойитилган уран даражаси “тинчлик мақсадига мос” тарзда 20 фоиз ёки камроқ бўлишини таъкидлади.

Интернет хабарлари асосида
Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ
тайёрлади.

АЧЧИҚТОШ

Ҳаракат хавфсизлиги — муҳим масала. Чунки йўлларда ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши кўллаб бахтсиз ҳодисаларнинг, кўнгилсизликларнинг олдини олади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз бўйлаб йўлларга минг-минглаб (балки, юз минглаб) кузатув камералари ўрнатилди. Бу камералардан ҳайдовчилар “қочиб” қутулишининг асло илҳожи йўқ. Бугунги кунда нафақат тезликни оширганлар, балки камар тақмасдан ё пиёдага йўл бермасдан ҳаракатланаётган автоулов ҳайдовчилари ҳам каттагина жарима билан “сийланаётгани” сир эмас.



Шундай қилиб, бу борада жиддий ислохотлар амалга оширилди. Қонунчиликка ўзгаришлар киритилди. Жарималар миқдори “отнинг қалласидек” қилиб қўйилди. Майли-да, одамлар қийналса ҳам, энг муҳими, тартиб бўлсин. Ҳеч ким бахтсиз ҳодисага учрамасин.

Албатта, бундай ўзгаришлардан ҳамма ҳам хурсанд эмас. Жарималар кўпайиб кетганидан хуноб бўлиб юрганлар сон мингта. Лекин қонун деганларни “ҳаммани хурсанд қиладиган” восита эмас, балки уларга итоат қилдиришни ёқтиради. Яширишга ҳожат йўқ, бундай қатъий чоралар кўллаб “ўпкаси йўқ” ҳайдовчиларнинг жиловини тортиб қўйгани ҳам бор гап.

Бироқ... шу ўринда бир кичкинагина кузатув, мулоҳазамиз ҳам йўқ эмас. Бугун янги Ўзбекистонимиз дунёга бўй чўзмоқда. Жаҳоннинг энг ривожланган шаҳарлари каби пойтахтимиз ҳам ҳар томонлама гўзаллашиб, кенгайиб

бораётгани қаторида, битта “лок-ин”имиз кўнгилни хира қилмокдир. Эҳтимол, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи ЙХХББдаги мутасаддилар бунга жавоб беришар (очиги, жавоб беришларига 99 фоиз ишончимиз йўқ!). Шундай бўлса-да, ўз мулоҳазамизни баён этамиз.

Гап шундаки, дунёнинг энг катта шаҳарларида ҳам кузатув камералари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Лекин у шаҳарларда худди биздагидек, халқ тили билан айтганда, “ГАИ”ларни учратмайсиз ҳисоби. Нима учун?

Ҳа, нима учун бизда шунча минг-минглаб кузатув камералари миллиардлаб маблағлар эвазига ўрнатилган бўлса-да, бу замонавий кузатув ускуналари орқали “беминнат” қунига миллиардлаб маблағлик жарималарни тақдим қилаётган, тўғрироғи, ундириб бераётган бўлса-да, яна бунинг ус-

тига ҳар битта йўл, муюлишда ЙПХ ҳодимларининг қамайиш ўрнига қўйиб бораётганига шубҳа нимада экан? Наҳотки мақсад фақат жазолаш, жарима ундириш бўлса? Наҳотки кузатув камералари орқали аниқланаётган қоидабузарликлар “етарли” бўлмаётган бўлса? Ёхуд бу камера кузатувларига, замонавий техника воситаларига “ишончсизлик”ми? Чунки ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яхши-да.

Яхшиям Президентимизнинг қатъий талаби билан узоқ йиллар давом этган ва халқни ҳудда-беҳудага текшириб, тўхтатиб азовлаган, километрлаб тирбандликларни юзага келтирган республика буйлаб қанчадан-қанча “пост”лар олиб ташланган эди. Унгача юртдошларимиз бир вилоятдан бошқасига автоуловда ўтуғнича чиндан ҳам бўладигани бўлар эди.

Халқимиз яна яхши эслайди.

Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ,
журналист.

ВАЗИЯТ

ИСРОИЛНИНГ ТУРКИЯДАН ХАВОТИРИ

Исроил расмийлари Туркиянинг Исроил-Фаластин можаросидан ўз минтақавий таъсирини кенгайтириш учун фойдаланишга уринаётганини таъкидлади. Уларнинг сўзларига кўра, Анқара ўзини “барқарорлаштирувчи омил” сифатида кўрсатишга интилоқда, аммо амалда “Исроилнинг халқаро позицияларини заифлаштиришга ҳаракат қилмоқда”. Исроил вакиллари “Туркияга бундай устулникни қўлга киритишга йўл қўйиб бўлмаслиги”ни алоҳида қайд этади.



Нетаньяху “Туркия Ғазода ўт очишни тўхтатишни таъминлашга қаратилган халқаро кучларда иштирок этмаслиги керак ва ҳар қандай тартибга солиш форматида Исроил билан “бир майдонда” бўлиш мумкин эмас”, деб баёнот берди.

Бундан ташқари, Исроил Туркия компанияларининг Ғазо секторини қайта тиклаш ишида иштирок этишига кескин қарши қилмоқда, чунки бу Анқаранинг минтақадаги позицияларини мустаҳкамлайди деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Исроил Туркия компанияларининг Ғазо секторини қайта тиклаш ишида иштирок этишига кескин қарши қилмоқда, чунки бу Анқаранинг минтақадаги позицияларини мустаҳкамлайди деб ҳисоблайди.

Рафаҳни қайта қуриш масаласида Нетаньяху Мисрнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мумкинлиги тўғрисида гаплар бор. Исроил ҳарбий доираларида АҚШ ва Миср Рафаҳни қайта қуришга дарҳол киришишга тайёр эканлиги, бу эса Исроилга “Туркия иштирокини янгиловлаш учун қўшимча восита” бериши қайд этилмоқда.

“Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган тахририят жамоаси “Гулистон” журнали масъул котиби Комил Жентоёвнинг олеси

Кумуш НИЁЗОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фахрий журналист

Хусайин РАҲМОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

✓ **ФАОЛИЯТ**

КОРХОНА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАДДИНИ ТИКЛАДИ?



— Чиноз тумани худудида жойлашган, бир вақтлар Марказий Осиёдаги энг йирик базалардан бири бўлган “Ta'minotchi Paxta” ОАЖ айти кунларда ҳам республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади, — деди ушбу корхона раҳбари Азамат Артиқов.

У собиқ иттифоқ даврида, аниқроғи, 1979 йил Ўрта Осиё худудий эҳтиёт қисмлари базаси сифатида қурила бошланган. 1985 йилдан иш бошлаган. Асосий вазифаси бутун Ўрта Осиё республикалари ва бошқа қўшни республикаларнинг агросаноат техникалари учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш эди. 1987 йили агросаноат техникалари ва унга тегишли бўлган қисмлар биринчи мартаба хорижий мамлакатлардан — Япония, Германия, Венгрия, Чехословакия ва бошқа мамлакатлардан келтирила бошланган. Юртимиз мустақилликка эришгач, мазкур база “Ўзқишлоқхўжаликтехника” тизимига киририлиб, материал ва техник худудий базасига айлантирилди. Корхонанинг вазифаси эса республикамиздаги вилоятлар ва туманларни қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш бўлган.

1996-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли

“Ta'minotchi Paxta” ОАЖ юртимиз қишлоқ хўжалиги ташкилотларига яқин кўмакчи, таянч бўлмоқда



Рухта” ОАЖ 10,9 гектар майдонда жойлашган бўлиб, умумий майдони 26,163 квадрат метр бўлган 3 та ёпиқ изоляцияланган омборлардан иборат. Омборлар 7 қаватли стеллажли комплекслар — “ОС-85-88А” ва “ОС-85-04А” русумли жиҳозлар билан таъминланган. Юкларни ортиш ёки тушириш юмушлари ва бошқа ишлар корхонадаги 10га яқин энг замонавий юк кўтаргичлар билан таъминланган. Маҳсулотларни етказиб бериш учун базанинг “Рухта” ва “Янгийўл” станцияларига уланадиган темир йўл йўлаклари мавжуд. Вагонлар базага келтирилганда, бир вақтнинг ўзиде 22 та вагондаги юклар туширилиши ёки ортилиши мумкин. Корхонанинг йўллари асфальтланган бўлиб, бу жуда катта қулайликни яратди.

— Юқорида таъкидланганидек, корхонамиз ўз даврида минтақадаги энг йирик ва ягона база ҳисобланган, — деди “Ta'minotchi Paxta” ОАЖ раҳбари А.Артиқов. — Ҳамма

гига зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ўзи истегадан худуддан сотиб олиб кириш учун имконият яратилди. Соҳада анча ўтириб қолган, миқозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда мавжуд бўлган Машина трактор парклари (МТПлар) тугатилиб, илғор ва замонавий фаолият олиб борувчи МЧЖлар ташкил этилди.

2020-2021 йиллари бутун дунёга катта хавф солган коронавирус пандемияси сабаб, ушбу корхонада ҳам қатор қийинчиликлар, муаммолар пайдо бўлди. Штатлар сони қисқарди. Корхонада юзага келган қарздорликларни бартараф этиш мақсадида худуддаги айрим бўш жойларни ижарага беришга тўғри келди. Корхона негизда цемент ва шифер заводлари ташкил этилди. Бу амалий ишлар эса корхона қаддини яна тиклашда муҳим аҳамият касб этди. Шу боис худуддаги 180 нафар фуқаро иш билан таъминланиб, вақтида маош олишмоқда. Натижа чиндан ёмон эмас. Корхона айти кунда узлуксиз фаолиятини давом эттирмоқда. Республика бўйича фаолият юритаётган кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари корхона билан ўзаро шартнома асосида ишлаяпти. Уларга зарур бўлган моддий-техника воситалари сифатли ва қулай нархларда етказиб берилмоқда. Демак, бундан корхона ҳам, бошқа харидор ташкилотлар ҳам бирдек манфаат кўрмоқда. Энг муҳими, акциядорлик жамияти республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Корхонада фаолият юритаётган айрим ишчи ва хизматчилар билан суҳбатлашдик. — Мен шу ерда 39 йилдан буён ишлайман, — деди Ҳидоятхон Жўраева. — 17 ёшимда ишга келган эдим. Кам бўлмадим. Фаолиятимни омбор ҳисобчилигидан бошлагандим. Шу ерда бўлажак турмуш ўртоғим билан танишдим, оила қурдик. Икки нафар ўғил фарзандли бўлдим. Сўнгра ушбу корхонада ишлайдиган яхши бир оила билан қўда-андали бўлдик. Ўғилларимизни ўқитдик, олий маълумотли қилдик. Вақтида ёрдам пуллари ва мукофот пуллари олдик. Бу корхона менинг оиламга айланган. Тўйда ҳам, маъракада ҳам доим биргамиз. Эътиборлиси, аввал ишлаган, айти дамда нафақа ёшида бўлган барча ишчи ва хизматчилар ҳам доимий йўқлаб турилади. Инсон омили деган қадрият бизнинг жамоада ўз ифодасини топган.

— Мен эса асли Эски Тошкент қишлоғининг қизиман, — деди яна бир суҳбатдошимиз Дилфуза Мирвахобова. — 1990 йилда корхонанинг ҳисоблаш бўлимига оператор бўлиб ишга келганман. Корхона фаолиятида кўплаб синовли йиллар бўлди. Аммо раҳбарларимизнинг ишни тўғри ташкил қилиши, тафаккури, салоҳияти туфайли қийин

вазиятлардан чиқиб кетдик. Корхонамизда барча шароитлар яратилган. Жуда бой кутубхонасига эга. Ишчи хизматчилар учун доимий равишда ошхона фаолият юритади. Ҳар куни пешинда ишчи ва хизматчиларга тушлик учун бепул иссиқ таомлар тарқатилади. Энг қизиги, мен ҳам шу ерда бўлажак қўдаларимни топдим. Ҳар томонлама синашга бўлган Ҳидоятхон Жўраева-

бўйича муҳандис Азизжон Бектуровнинг таъкидлашича, яқин орада электр, газ таъминоти бўйича бахтсиз ҳодисалар рўй бермаган. Ходимларга касбий йўл-йўриқлар мунтазам тушунтириб борилади. Махсус йўриқномалар билан таништирилиб, шу мавзуга оид суҳбатлар тез-тез ўтказилади.

Қўшали ака Ҳошимов бу корхонага 1984 йил оддий ҳайдовчи бўлиб ишга келган экан. — Умримнинг кўп қисми шу маскан билан боғлиқ, — деди у ҳам мамнуният билан. — Шу корхонада ишлаб, бахтимни топдим. Яхши уй-жойлар қурдим. Тўйлар қилдим. Айти пайтда механик бўлиб фаолият юритмоқдаман. Шокир ака Одилов, Маҳмуд ака Эшонхўжаев каби узокни кўра оладиган раҳбарлардан доим миннатдорман. Чунки уларда инсонни тушуниш, тинглаш қобилияти жуда кучли. Оддий ишчиларни ҳам ўз яқинидек қабул қилиб, доимо ёрдам қўлини қўзиб келишади. Билмаганларимизни ўз вақтида ўргатишади. Корхонада утаётган умримга асло ачинмайман. Аксинча, қадр топдим, эътибор топдим.

Дарҳақиқат, корхонада иш тўғри тақсимланганлиги ва меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилганлиги туфайли ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, энди иш бошлаган ходимлар ҳам тезда қаддини тиклаб, ўз ўрнини топмоқда.

Базада 4 та “ДНВР-4/13” бугли қозонли автоном қозонхона мавжуд бўлиб, катта ҳажмдаги иссиқ сув ва ичимлик суви таъминоти ўзининг қудуқларидан олиб борилади. Канализация тизими тозалаш иншоотлари билан таъминланган. Бир категорияли ав-



нинг ўғлига қизимни узатдим. Аҳиллигимизга ҳамма ҳавас қилади.

— Корхонамизнинг 9 нафар ходими олий маълумотли, ўз соҳасининг билимдонлари ҳисобланади, — деди ташкилот кадрлар бўлими бошлиғи Гулчеҳраҳон Алиқуллова. — Айтиқса, пайвандчи, сантехник, чилангар, юк ташувчи, кранчи каби тажрибали, малакали ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнати таҳсинга сазовор.

— Энг асосийси, соҳа ходимларига намунали хизмат қилиб, уларнинг оғирини енгил қилишда тинимсиз ҳаракатдамыз, — дея суҳбатга қўшилди бош муҳандис Ҳайдар Йўлчиев. — Корхонамиз ривожини учун беимнат ҳисса қўшган ўз касбининг билимдони, ташаббускор, шижоатли раҳбари бўлган Шокир ака Одиловнинг хизматларини алоҳида қайд этишни истардим. Узокни кўра оладиган инсон, меҳрибон устоз сифатида доим бизларга ўрнат.

Корхонада бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Техника хавфсизлиги

тоном электр тармоғи мавжуд. Акциядорлик жамиятининг офиси ва омбори бир худудда жойлашган. Келаётган муваффақиятларнинг асоси эса аҳил жамоанинг бир бўлиб меҳнат қилиши, ишчи-хизматчиларнинг юқори тажрибага эгалигидандир.

Ҳа, ҳамиша “Ta'minotchi Paxta” ОАЖ ўз миқозлари учун ҳамкорликда ишлашда уларнинг қулайликларини ҳис этишлари учун интиломоқда. Бунинг учун эса барча имкониятларни яратишга бел боғлашган. Бу йўлда янгидан-янги инновацион гоёларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, бугунги давр ишбилармонлиқни, қайси соҳа бўлмасин, замонавий хизматларни тақозо этади. Юқорида биз ҳикоя қилган корхона жамоаси ана шундай йўлда. Шу боис ҳам ўз йўналишида бугун донгдор, пешқадам.

Раъно ХОЛИҚОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.
Реклама ҳуқуқи асосида.



қарорларига мувофиқ, “Keys korporeyshn” (АҚШ) ва “Ўзқишлоқхўжаликтаъмир” ўрта-сида АҚШда ишлаб чиқарилган юқори самарали қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилади. Шу билан бирга корхонага “Magnum” тракторлари, “Keys” комбайнлари ва уларга эҳтиёт қисмлари етказиб бериш йўлга қўйилди. 1998 йилга келиб, мазкур база “Ta'minotchi Paxta” ОАЖга айлантирилди.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиёдаги энг йирик базалардан бири бўлган “Ta'minotchi

вақт Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва бошқа кўплаб давлатлар билан қилинган шартномалар асосида қишлоқ хўжалиги эҳтиёт қисмлари жойларга ўз вақтида етиб борган. 140-150 нафар ишчи-хизматчи 3 сменада меҳнат қилишган. 1997-1998 йиллар корхона учун залворли синовлар даври бўлди. Қачонки кластерларнинг пайдо бўлиши, қўшни давлатлар учун йўлнинг очилиши фермерлар учун бир қанча имкониятлар эшигини очди. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги тармо-



